

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 844-ҳадис

844 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «خَيْرُ الْمَجَالِسِ أَوْسَعُهَا» رَوَاهُ أَبُو دَاؤدَ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ عَلَى شَرْطِ الْبُخَارِيِّ [4820].

844. Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Мажлисларнинг энг яхшиси - кенг бўлганидир»**, деганларини эшитганман».

*Абу Довуд саҳих, санаð билан, имом Бухорий шартларига биноан ривоят қилдилар.*

**Шарҳ:** Ўтириладиган жойни торайтириб юборилмаслик лозим. Акс ҳолда ўтирганларда норозилик кайфияти уйғониб қолади. Ёки илм мажлиси бўлса, мажлисларнинг самараси кетиб қолади. Суннатда мажлисни кенг қилиш лозимлиги айтилган. Чунки унда хайр барака ва ўзаро улфатчилик бор. Ҳамда ўтирганларга роҳат улашиш бор.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

